



2013 у.р. "17" май № 464-К Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд туман «Кулбапоён» қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ «Гулобод агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан «Меликов Мўхсин Авто» масъулияти чекланган жамиятига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ва автомобиллар тўхташ майдончаси қуриш учун ер майдони танлаш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятининг 2012 йил 3 декабрдаги 508-сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2012 йил 12 декабрдаги 1221-сонли хулосаси, «Меликов Мўхсин Авто» масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига ёзган хати, тўпланган барча ҳужжатлар тўплами ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. «Меликов Мўхсин Авто» масъулияти чекланган жамиятига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ва автомобиллар тўхташ майдончаси қуриш учун 0,20 га ер майдони танлаш ҳақидаги ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Кулбапоён» қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ «Гулобод агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 400 контуридан «Меликов Мўхсин Авто» масъулияти чекланган жамиятига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ва автомобиллар тўхташ майдончаси қуриш учун жами 0,20 га (шундан: 0,20 га туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони танлансин.
3. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ва автомобиллар тўхташ майдончаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси «Меликов Мўхсин Авто» масъулияти чекланган жамияти директори М. Меликовга топширилсин.
4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев